



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 8 май 18 (298) ● Сотувда нархи эркин

ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ, РАДИО ҲАМДА ТЕЛЕВИДЕНИЕ КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЖАБҲАСИНИНГ БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

Хурматли алоқа соҳаси меҳнаткашлари!
Сизларни алоқачиларнинг касб байрами билан самимий муборакбод этаман. Сиз республикамизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ишига муносиб улуш қўшиб, юртимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қиляпсиз. Бугун анъанага кўра фақат алоқа воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрнини нишонлабгина қолмай, балки алоқа жамоалари кўлга киритган ютуқларни ҳам байрам қилишимиз кувонарлидир.

Мустақилликни кўлга киритгандан кейин ўтган қисқа муддат ичида алоқа корхоналарида аҳолига ва халқ хўжалигига хизмат кўрсатиш, телекоммуникация тизимларини тараққий эттириш, хорижий сармоя ҳисобидан замонавий алоқа технологияларини қуриб ишга тушириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Айни пайтда соҳа иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб бормоқда, тармоқда зарар қўриб ишлайдиган алоқа корхоналари йўқ. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури муваффақият билан бажарилмоқда, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва уни энг илгор техникалар билан жиҳозлаш борасидаги улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда, радио ва телевидение иншоотлари ҳамда почта алоқасида ишлар бир маромда олиб бориляпти. Шунга қарамай соҳада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти, хизмат кўрсатишда камчиликлар бор. Шу боис ҳам ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз, сифатли алоқа хизмати кўрсатишимиз зарур бўлади.

Яна бир бор Сиз алоқачиларни касб байрами билан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва қувонч, ишингизда катта муваффақиятлар тиламан.

Л. АХМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари

ТОЕ БОШҚАРУВ ҚЎМИТАСИДА

Шу йилнинг апрель ойи охирида Украина пойтахти Киев шаҳрида Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) магистрალი бошқарув қўмитасининг XII мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон алоқачиларининг делегацияси таркибида «Халқаро телеком» ХЖ бош директори ўринбосари А. Избосаров, Тошкент телеграф-телефон станцияси бошлиғи М. Зоҳидов ва Магистрал алоқалар бошқарув маркази раҳбари Р. Рамазоновлар бор эди.

Мажлис кун тартибида асосан ТОЕ ишга толали алоқа линиясининг тест ўлчамларини ўтказиш ҳамда ишга тушириш масалалари кўрилди. Ҳозирги кунда магистралнинг Ашқобод-Техрон сегментиде айрим муаммолар борлиги қайд қилинди. Мажлис давомида ТОЕ алоқа линиясини ишга тушириш тантаналарини шу йилнинг июнь ойи охирида ўтказишга қарор қилинди. Бу тантаналарни ташкил қилиш Германия ва Хитой алоқачилари зиммасига юклатилди. Ушбу тантаналарни қай тарзда ўтказиш ҳақида ҳар бир мамлакат ўз тақдиф-мулоҳазаларини май ойининг ўрталари-

га қадар билдириши зарур бўлади.

Маълумки, ТОЕ магистрალი йиғирма давлат ҳудудидан ўтган дунёдаги энг мураккаб алоқа линияларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун унинг доимо ишлайдиган ТОЕ маъмурияти тизimini ташкил қилиш лозим бўлади. Мажлисда ушбу масала ҳам қўрилиб, бу вазифа «Украина телеком» и зиммасига юклатилди.

ТОЕ бошқарув қўмитасининг, навбатдаги мажлиси шу йилнинг октябрь ойида Хитой Халқ Республикасида ўтказилади.

М. ЗОҲИДОВ

Телекоммуникация технологиясини яратиш борасидаги илмий изланишлар натижасида маънавий жиҳатдан эскирган қурилмалар ўрнига имкониятлари устувроқ янги техника намуналари пайдо бўлмоқда.

АЛОҚА ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Ҳозирги кунда бу технология АҚШда йилга 200 миллиард доллардан зиёроқ даромад келтирадиган саноат соҳаларидан бирига айланиб қолди.

Соҳадаги илмий изланишлар уч гуруҳда олиб борилиши керак: Биринчиси — тармоқда ишлаб турган эски алоқа техникасининг энг қамда яна 10-15 йил ишлаб туришини назарда тутган ҳолда, уларни керакли ҳажмдаги техника хизматлар билан таъминлаш. Уларнинг ишлаш қобилиятини тиклашга қаратилган таъмирлаш ишларини вақтида олиб бориш ҳамда алоқа техникасининг хизмат кўрсатиш турларига ангиларини имконият борица киритиш муаммоларини тадқиқ этиш. Бундай изланишлардан мақсад — алоқа тармоғининг сифатли хизмат кўрсатишини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун таъмирлаш-тиклаш ишларини яқши йўлга қўйиш, керакли даражада эҳтиёт қисмлари етказиб беришни таъминлаш, таъмирлаш бўлинмаларининг фаолиятини қўчайтириш, назорат қилиш асбоб-ускуналарининг имкониятларини кенгайтириш каби қатор масалалар ечилиши лозим. Эски алоқа техникасининг камчиликлари анчагина: ҳажми катта, электр қуввати ва ишчи кучи кўп сарфланади, ишлаши ҳам талаб даражасида эмас.

Иккинчиси — тармоқда янги алоқа технологиясининг, жумладан, рақамли ишга толали тизимлар, рақамли узатиш тизимлари ва шуларга ўхшаш янги алоқа турларининг жорий этилиши мўҳим омилдир. Бу йўналишда тармоқнинг юқори поғоналарига икки-учта, пастки поғоналарига эса тўрт-бешта ҳаҳон алоқа фирмалари маҳсулотларини танламоқ лозим. Чунки тармоқ фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш ма-

салаларини соддалаштириш мақсада мувофиқдир. Танланётган алоқа тизимлари турларининг кўпайиб кетиши таъмирлаш ишларини мураккаблаштиради (эҳтиёт қисмларнинг кўп давлатлардан олиб келиниши уч-тўрт йилдан сўнг таъмирлаш ишларини олиб бориш учун сон жиҳатдан кўп хорижий фирмаларга боғланиб қолишга, ахборот хавфсизлигини ташкил этишни мураккаблаштиришга олиб келади). Булар ўз навбатида янги техника сертификатция қилиниб, хизмат қила бошлашдан аввалги даврда етарли тайёргарлик ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалардир. Айни чоғда тегишли мутахассисларни тайёрлаш каби муаммо ҳам мавжуд. Кейинги 12-15 йил мобайнида алоқа соҳаси тўла рақамли тизимлар билан жиҳозланиши учун юртимизда тахминан 6-7 миллион телефон нуқталаридан иборат тармоқ яратиш лозим. Урта ҳисобда бир телефон нуқтаси харажати минг долларни талаб этса, янги алоқа тармоғи учун 6-7 миллиард АҚШ долларига тенг харажати чамалашга тўғри келади. Телефон тармоғи харажати умумий алоқа турларининг учдан бир қисмини ташкил этишини ҳисобга олсак, республика алоқа соҳасини янги қурилмалар билан жиҳозлаш учун 20 миллиард АҚШ доллари керак бўлади. Шу сабабдан ҳам аниқ иқтисодий ва ташкилий масалалар кўриб чиқилмоғи ва уларнинг ечимини изламоқ лозим. Чунки 12-15 йил ичида ҳозир фаолият кўрсатаётган алоқа техникаси ҳар томонлама эскиради. Уларга ишлатилган сармояларни қопламасдан туриб, янгилари ҳам таъмир талаб бўлиб қолади. Буларни ҳисоблаб кўриб, хизмат даври ўтиб бораётган рақамли тармоқни қай пайтда янги тизимлар билан алмаштириш самаралироқ эканлигини аниқлаш масаласи юзга келади.

Учинчиси — янги алоқа технологиясини билан эскириб бораётган алоқа технологиясини орасидаги «кўприк» тегишли талабларга асосланиши керак.

Жумладан:
— эски ва янги технология-

лар орасидаги ишга толали йўналтирувчи муҳит тармоқларини бошқариш стандартларига жавоб бериши лозим;

— алоқа тизимлари учун тармоққа улашиш эҳтимоли юқори бўлишини таъминлаш керак;

— икки турдаги техниканинг ишлаш фаолиятини бир-бирига атрафлича мослаштириш зарур ва ҳоказолар.

Бундай йирик масалаларни ҳал этиш миллий алоқа тармоғининг келажаги билан боғлиқ. Шунинг учун миллий алоқа тармоғининг ривожланиш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат бўлади дейиш мумкин:

— телефон алоқа тармоғи;
— харажатдаги объектлар алоқа тармоғи (сунъий йўлдош орқали, уяли ва пейжинг алоқаси ва бошқалар);

— корхоналардаги ички ва телекоммуникация алоқа тармоғи;

— чекланган алоқа тармоқлари (бошқармалар алоқа тармоғи — темир йўл, энергетика, мудофаа, милиция ва бошқа йўналишлар);

— радиосиёштириш ва телевидение тармоғи ва бошқалар. Ҳар хил алоқа тармоқлари янги техника билан жиҳозланиб, ривожлана бориши билан бирга улар узаро туташиб, жиқлашиб кетади. Бундай умумлашиб бориш натижасида кенгайган рақамли миллий алоқа тармоғига айланиб боришимиз мумкин.

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш ва уларни муҳофаза этиш усуллари асосан қўйидаги турдаги ахборотлар учун зарур: пул жамғармаларини электрон узатишда, машиналар ёрдамида касса тўловлари ўтказишда, ҳарбий, дипломатик тадбиркорликка тегишли ахборотларни узатишда, рақобатчиликка оид маълумот-

(Давоми 2-бетда.)

ФАҲРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Алоқа соҳасида узок ва самарали меҳнат қилиб нафақага чиққан уруш ҳамда меҳнат фахрийлари ҳар йили галаба байрами арафасида «Фаргона телеком» ҳиссасдорлик жамиятининг «Импульс» санаторий-профилакторийсида дам олиб ўз соғлиқларини тиклайдилар.

Яқинда санаторий-профилакторий боғида «Фаргона телеком», «Фаргона почтаси» ҳиссасдорлик жамиятлари ва вилоят ходимлари билан уюшма қўмитасининг касб байрами ва Галаба кунини муносабати билан байрам дастурхони ёздилар.

Байрам тантанасини вилоят

алоқа ходимлари билан уюшма қўмитаси раиси А. Усмонов табрик сўзи билан очди. «Фаргона почтаси» ҳиссасдорлик жамияти бош директори ўринбосари Н. Жўраев ва бошқалар иштирокчиларни қўшалоқ байрам билан қизгин қутлашди, фахрийларимизнинг уруш даврида кўрсатган жасоратлари, алоқа

соҳасидаги хизматлари тўғрисида гапирди. Шунингдек, «Импульс» санаторий-профилакторийси бош ҳаҳими Шаҳзода Аҳмедова ва хўжалик мудирини Аҳтажон Аҳбаровлар ҳам йиғилганларни байрам билан қизгин табриклашди. Байрам кечасида сўзга чиққан фахрийлар Д. Хасанов, А. Алиқонов, Т. Қурбонов, Е. Шувоев, А. Моисеев, А. Абрамовалар кўрсатилган эҳтиром-эъзоз учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Хонандлар эса дилрабо куй ва қўшиқлар билан барчани хушнуд этишди.

Фарида УМАРОВА
жамоати муҳбириниз,
Фаргона вилояти

Дивизиямиз жангчилари 1945 йилнинг 19 апрель кун кечкурун Берлин шаҳри жанубидаги Тельтов каналига етиб борди. Сапёрлар дархол кўприк қуришга киришди. Кечаси каналдан ўтиб олди. Тонг сахарда кўча жанглари бошланиб кетди. Тўп командири сифатида мен ҳам жангга кирдим. 20-ўқчи дивизия таркибидagi 67-ўқчи полкимиз шиддатли жанглар билан олга силжий бошлади. 28 апрель кунини сира унутмаймаман. Берлин шаҳридаги Тиргартен истироҳат боғининг фарб томонига етиб бордик. Топширқни бажариб, ағгаллаб турган жойимизни ўзгартиришга ҳозирланаётган эдик, бизни душман пайкаб қолди. снарядлар ёғила бошлади. Душман снарядларидан бири тўпимиз яқинида портлаб, унинг бир бўлаги бошимга келиб тегди ва ярадор бўлдим. Отишмадан ҳурққан отлар судраган тўп чап оёғимни босиб кетди.

Бўлимамиз жангчиларига олга силжиш тўғрисида буйруқ бериб, ўзим бир жангчи билан вақтинча шу ерда қолдим. Ҳушим ўзимда, лекин бошим ва оёғимнинг зирқирашига чидаб бўлмади. Шу пайт елкасида алоқачи белгиси бўлган, қотмадан келган катта сержант биз томон келаверди. Бизга яқинлашганда унинг ўзбек эканлигини билдим ва бундан кўнглим анча равшан тортиди. — Ассалому алайкум, ҳамюрт, — сўрашдим у билан ётган жойимда. Катта сержант алик олди-да, менга далда бера бошлади:

— Воқеани кузатиб турган эдим. Тирик қолганингизга шукур қилинг.

Жонингиз фойдага қолди, биродар. Бардам бўлинг, уруш ҳам тезда тугаб қолса керак, бу жароҳат билан ўлмайси. Исми

• 9 май — Ғалаба кун

ДОВЮРАК АЛОҚАЧИ

Бердиали. Тошкент шаҳридан бўламан. Омон бўлсак урушдан кейин учрашиб қолармик.

— Мен пскентликман, исми Абдумажид, — дейишга улгурдим, холос. Ҳамюртм мени эшитар-эшитмас кўзгалди. Назаримда у шунлайётган эди. Ўз қисми томон югуриб кетди.

Худога минг қатла шукур, урушдан омон қайтдим. Жангларда жасорат, мардлик ва матонат кўрсатган ҳамюртларимиз ҳақида бир неча очерклар тўплами нашр эттиришга муваффақ бўлдим. Шулардан бири «Карим партизан» деб номланган қисса эди. Уни «Ўзбекистон» нашриётига топширган эдим. Китоб ҳақида ёзилган тақриз муаллифи филология фанлари доктори Бердиали Имомов эканлиги маълум бўлди. Тақриз охирида Б. Имомовнинг яшаш жойи Тошкент шаҳри, Улфат кўчасидаги 10-уй деб ёзилган экан. Қизик, таниш исм. Тақриз муаллифи Берлин шаҳридаги Тиргартен истироҳат боғи яқинида яраланиб ётганимда кўнглимни кўтарган, ўзини Бердиали деб таништирган алоқачи катта сержант эмасми-кан?

У кишининг уйига бордим. Домла дарвоза олдидаги яшил деворни пардозлаётган экан. Мен у кишини дарҳол танидим. Берлин шаҳрида ялик сўз билан руҳланган кишининг овози-ю нигоҳлари ўша-ўша эди.

— Ассалому алайкум, Бердиали ака, — кучоқ очиб, бир-биримизни бағримизга босиб сўрашдик, — қўришадиган кун ҳам бор экан-ку! Берлин, Тиргартен истироҳат боғи ёдиндадир.

— Ө, биродари азиз, у кунларни унутиб бўладими? Бердиали аканинг хонадонида узоқ сўхбатлашдик. Шундан кейин биз чинакам ака-ука бўлиб қолдик.

1978 йилдан бери Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивда изчил тадқиқот олиб бормоқдам. Бердиали ака билан учрашувдан кейинги йили Марказий архивда бўлганимда у киши хизмат қилган 79-гвардиячи ўқчи дивизия ҳужжатларини ҳам ўрганишга муваффақ бўлдим.

Дивизия таркибидagi 110-гвардиячи алоҳида алоқа ротасида алоқа линияси назоратчиси сифатида хизмат қилган Бердиали Имомов жангларда кўрсатган мардлиги ва доврақлиги учун Қизил Юлдуз ва III даражали Шуҳрат орденлари билан мукофотланган экан.

Дивизия командирининг Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги 1944 йил 10 август кун чикарган буйруғида шундай дейилади: «Уртоқ Имомов алоқа линияси назоратчиси сифатида ўзининг жасур, доврақ жангчи эканлигини кўрсатди. душман тўплардан ўт очиб турганига қарамай, алоқа линиясига кўп марта чиқди ва ҳар сафар содир бўлган узилишни бартараф этишга муваффақ бўлди».

Фронгдан ғалаба билан қайтган Б. Имомов ТошДўнинг филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1950 йили имтиёзли диплом билан тамомлади. 1955 йили номзодлик, 1968 йили докторлик диссертациясини ёқлади. Б. Имомов ҳозирги «Туркистон», («Ёш ленинчи»), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», («Ўзбекистон маданияти») газеталари, «Шарк юлдузи» журнали таҳрирларида, Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида ва ТошДўда фаолият кўрсатди. У ўнлаб бадиий ва илмий асарларнинг муаллифи-дир. Бердиали акага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган.

Жангчи алоқачи, етук олим Бердиали Имомов 1996 йилнинг ноябрь ойида ҳаётдан кўз юмди.

Мажид САМАДОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси

ЧИКИНДИДАН ҲАМ УНУМЛИ ҲОЙДАЛАНМОҚ ЗАРУР

«Жиззах телеком» шўбга корхонаси ўз мuddатини ўтаб бўлган қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва топшириш ишларига ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда. Корхонада ўтган тўрт ой ичидa 22240 кг қора ва 1050 кг рангли металл парчалари тўпланиб, қайта ишлаш корхоналарига жўнатилди.

— Биз ҳар доим бу ишга катта эътибор берамиз, — дейди корхона бош директори ўринбосари Одилжон Абдуолимов. — Шунинг учун ҳам шаҳар ва туманлардаги филиалларимиз ўз мuddатини ўтаб бўлган металл парчаларини тезкорлик билан тўплаб, топширишаётимиз. Бу борада Ғаллаорол, Мирзачўл ва Жиззах туманларидаги филиалларимиз алоҳида гайрат кўрсатишмоқда.

Корхонада бошқа соҳалар бўйича ҳам яхши натижаларга эришиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Й. УРДУШЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз,
Жиззах вилояти

АЛОҚА ТАРМОГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

(Боши 1-бетда.)

ларни беришда, сиёсий ахборотларни узатишда ва ҳоказо.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, таҳлил этиш масалаларини Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ўз зиммасига оладиган бўлса, унда агентлик ўзининг тегишли бўлиналари орқали ўрнатилган тартибда назорат қилиши зарурдир. Илмий ходимлар эса ахборот мухофазасига қаратилган техникавий, дастурий ва ташкилий чора-тадбирларни тайёрлайди. Криптография хавфсизлик воситалари, аутентификация ва маълумотлар базасини муҳофаза қилувчи тизимни яратиш каби янги муаммоларни ҳал этиш шуллар жумласидандир. Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминловчи тармоқлар архитектурасини ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ва самарали бошқариш масалаларини ечиш лозим. Чунки бундай хавфсизлик тизимлари хорижий давлат махсулотли бўлса, уларни масофадан туриб бошқариш имконияти ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон телекоммуникация тармоғининг фаолияти хорижий фирмаларнинг дастурий таъминоти ёрдамида бошқарилиши ахборот узатиш хавфсизлигини таъминлашда муҳозаза чораларига йўл бермай қўяди. Бунинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш энг катта муаммолардан бири бўлиб қолади.

Соҳамиз олдида турган улкан вазифаларни бажариш учун тегишли йўналишларда иқтидорли ёшларни таллаб, чуқур ва кенг маълумотга эга муҳандис ходимлар тайёрлаш лозим. Ҳозирги кундаги бакалаврлар тайёрлашга қара

ратилган ўқитиш дастурлари эса асосан ривожланган ва мустақил, йирик соноати бор давлатлар учун мослашган. Бакалаврлик даражаси кўрсатилган йўналишларда меъёрига етказувчи ўқитиш марказларига эга соноат соҳаларига тўғри келади. Шу сабабдан алоқа соҳасининг йирик корхоналари билан биргаликда Тошкент электротехника Алоқа институти қироьда бакалаврларни маълум янги алоқа йўналишлари бўйича билимларини юқори меъёрига етказувчи ўқитиш маркази тузилиши лозим. Унда юртимизга кириб келаётган янги алоқа тизимларини самарали бошқариш бобида мутахассисларни бакалаврлик даражасида ўқитиш мақсадида тегишли ўқув дастурлари, тажрибахоналар, компьютерли бошқариш тизимларини тузиш каби жуда катта муаммолар ҳал этилиши лозим бўлади.

Шу давргача институтда ўқитиш жараёни асосан Россия ўқув дарсликларини рус техникаси таъминоти асосида олиб борилади. Ҳозирги кунда муҳандислар тайёрлаш учун тузилган дарсликлар эскириб қолган, бакалаврлар тайёрлаш дастурига тўғри келмайди. Уларнинг ўринини босадиган, бакалавр дастурига мос келадиган дарсликлар эса умуман йўқ. Тез кунда бу муаммо ҳам ўз ечимини топтомоғи керак.

Соҳамизда керакли меъёрий ҳужжатлар тузишда ҳам катта камчиликлар мавжуд. Россия меъёрий ҳужжатлари асосан ўз тизимларига мослаб тузилган, биз эса шу ҳужжатлардан кўпчилигини деярли ўзгартиришсиз соҳамизга олиб келямиз. Бу эса республикамизда уларга ўхшаб Европа стандартига тўғри келмайдиган тизимларни татбиқ этишга мажбур қилади. Биз синхрон тизимлар асосида ISDN

ва ISDN стандартларига биноан иш олиб боришимиз шарт. Бундан ташқари, бу ҳужжатлар давлат тилида тасдиқланмоғи лозим. Лекин ишлаб турган эски алоқа тармоғини такомиллаштириш, янги стандартларга мослаш, халқдаги режавий ҳужжатлар деярли йўқ. Чет эл фирмалари билан булар тўғрисида шартномалар тузилган эмас.

Албатта, алоқа соҳаси жамиятимиз ҳаёт-мамотини ҳал этувчи давлат асосий инфраструктурасининг устунларидан бири ҳисобланади. У фан, маориф, маънавият ҳамда маданиятнинг ривожланишига ёрдам берувчи, халққа хизмат кўрсатувчи, тарақиётни тезлаштирувчи омиллар қаторидадир. Шунинг учун замонавий алоқа тармоғига эга республикамиз дадил қадамлар ташлаб, ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олиш учун дадил бормоқда, зеро XXI аср ахборот узатиш асридир.

Мажидулла ОРИПОВ,
Тошкент электротехника
Алоқа институти
проректори, техника
фанлари доктори,
профессор

ТАҲРИРИЯТдан:

Таниқли олим М. Ориповнинг ўқоридига мақолаосида мустақил юртимиз алоқа тармоғининг ривожланиши ва истиқболли билан боғлиқ ўта муҳим, долзарб муаммолар тилга олинган. Алоқа тармоғи раҳбарлари ва мутахассислар ушбу масалага ўз муносабатларини билдирадилар деган умиддамиз.

СОҲА РИВОЖИ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

«Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан Термиз шаҳрида почта ходимларининг «Маънавият ва маърифат» марказида бир ойлик ўқув курслари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад соҳада ишлаётган ёшларнинг билим ва малакаларини ошириш ҳамда уларни келажақда алоқа бўлими бошлиғи вазифасига тайёрлашдир. Уларга тахририбали алоқачи мутахассислар, вилоят давлат солиқ кўмитаси, ҳўжалик суди, прокуратура ва нафақа жамғармаси ходимлари дарс беришди.

Ўқув режаси 8 соатдан иборат бўлиб, 6 соати назарий билим олишга қолган 2 соати эса амалий машғулот учун ажратилган. Ўқув жараёнининг охирида ёш мутахассислар имтиҳон топшириб, ўз билимларини синаб кўришди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу ўқув машғулотларининг ташкил қилиниши алоқа соҳасининг ривожланишига, ёш мутахассислар малакасининг ошишига хизмат қилади.

М. МУҲАММАДИЕВ,
Сурхондарё вилояти



Телефончи қизларга деярли ҳаммининг иши тушади. Уларнинг «Алло, 07» ёки «09» эшитида» деган жарангдор овозларини эшитиб, керакли жойни улаб беришларини сўраймиз. Ишимиз биттач, баъзан хайр-маъзурини ҳам насия қилиб юборамиз.

Телефончи қизлар эса биздан бошқа яна кўплаб мижозлар билан муомала қилади. Иш давомида микротелефон гарнитураси қулогидан олинмайди, кўли-кўлига тегмай бюртмаларни бажаради. Бир дақиқа ўз иш жойидан силжмай, сиз у бизнинг бюртмамизни бажариш пайида бўлади. Сиз суратда ана шундай жонкуяр алоқачилар — Урганч шаҳарлараро телефон станцияси коммутатор цехининг бригадери Роза САГИДОВА ва телефончилар Раъно АЙТОВА, Сайёра ВАФОВЕАларни кўриб турибсиз.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ЭЪЛОН

Бўстонлик туманининг энг хушманзара жойида жойлашган «НАНАЙ» дам олиш уйи икки ва ўн кунлик қордиқ чиқариш учун хусусий ва жамоа бюртмаларини қабул қилади. Тўлов усули турлича.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-274) 21353, 27246.

Ҳасан Анорбаевич Тажаҳметовнинг А. С №076371 рақамли йўқолган дипломи бекор қилинади.

Давлат Алоқа Назорати жамоаси Жиззах вилояти давлат алоқа назорати катта назоратчиси Жаббор САИДОВга отаси Саттор САИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЖАХОН ТИНЧ БЎЛСА...

Шоир Яхё тога дуои фотиҳа қилганда ҳаммаша «жаҳон тинч бўлсин» деган иборани тилга оларди. Дуслари ахйир бир куни бунинг боисини сўрашибди.
— Ҳа энди... жаҳон тинч бўлса — биз тинчда! — дейди шоир мийиғида кулимсираб.
Нимкосани пайғамбар ёру биродарлар бу ерда бошқа сир бўлса керак дея яна шоирни қистовга олишадди.
— Уфф... куймадинлар — куймадинларда! Майли, айтсам айтақолай — хотинимнинг исми Жаҳон! Бўлдими — кутулдимми?!
Дуслар мириқиб кулишадди.

ЭСИДАН ЧИҚИБ КОЛДИ

Раҳматли Анвар Эшонев шуролар даврида бир муддат вилоят газеталаридан бирида хизмат қилганди. Узи истеъдодли, аммо табиатан андак тантироқ, эрқароқ бўлгани учунми, кетма-кет қовун-тушираве-риб, ахйир бош муҳаррирнинг сабр косасини тўлдиради.
— Бўлди, иззатинг битди, энди ишдан бўшайсан, аризангни ёз! — дейди бош муҳаррир жаҳлини

аранг босиб.
— Бўпти, бир оғиз сўзингиз, хўжайин, — дейди Анвар ака пинағини бузмай ва столдаги қоғозни олдига сўриб, ариза ёзишга чоғланаркан, ёнидаги ходимдан сўрайди:
— Дарвоқе, газетасининг оти нимаиди?
— Нима дединг? — муҳаррир чала эшитдимми дея қайта сўроқлайди.
— Бу газетанинг оти нимаиди деяпман? — Анвар ака

ки ҳамкасблари, ёру биродарларини роса сийлайди. Улфатчилик, базму жамшид дўстларнинг уйида ҳам давом этади. Қоқ ярим тунда шоир сергак тортиб, мундоқ уйлаб курсача, чунтақ қўп-қуруқ, бор пулини сарфлаб қуйган. Боши қотиб, ёнида бемалол чўзилиб ётган шоир дўсти Жамол Сирождинни тўртади.
— Жамол, ҳой Жамол!
— Ҳмм, нима дейсан?
— Оғайни,

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

чўнтақда йўлқирага ҳам пул қолмабди-ку! Энди Фарғонага қандай қилиб етволаман? А? Жамол? Нега индамайсан, Жамол? Уйғоқмисан?
— Й-йўк, мен ухляяпман!

— Оғайни, чўнтақда йўлқирага ҳам пул қолмабди-ку! Энди Фарғонага қандай қилиб етволаман? А? Жамол? Нега индамайсан, Жамол? Уйғоқмисан?
— Й-йўк, мен ухляяпман!

БОШ БЎЛСА БАС

Бир гуруҳ ижодкорлар таъзия билдириш учун ҳамкасбларининг уйига боришади. Фотиҳа ўқишга чоғланган кексароқ ёзувчи бошланган экан, шу аллозда қироат қилсам қандай буларкин, дея қўли билан бошига ишора қилиб, андак талмовсирайди. Шунда Ваҳоб Рўзиматов дарҳол масалага аниқлик киритиб, далда беради:
— Бош кийим шарт эмас, бошнинг ўзи жойида бўлса бас, окоси, иккиланмай уқийверинг!

Ш. ОТАБЕК

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Сабрли, тежамкор ва виқорли, оғир-босиқ бўлиш пайғамбарликнинг йигирма тўртдан бир бўлагидир.

Шарму ҳаё ва камсуханлик имоннинг икки бўлагидир. Беҳаёлик ва гапдонлик мунофиқликнинг икки бўлагидир.

Ёшларингизнинг яхшилари — ўзини катта ёшдагилардек оғир тутадиганларидир. Катта ёшдагиларнинг ёмонлари эса ёшларга таассуб қиладиганидир.

Кимки ҳар бир нарсани сабр билан шошилмасдан қилса мақсадига эришади.

Кимки ўзини катта олса, ўзига бино қўйса, охиратда Аллоҳнинг ғазабига учрайди.

Кимки Аллоҳ учун камтарлик қилса, Аллоҳ унинг даражасини кўтаради.

Сабр ва бардош Тангридан, шошқалоқлик шайтондандир.

Кимники ҳаммадан кучли бўлиш хурсанд қилса, Аллоҳга астойдил таваккал қилсин.

Кимки биринчи бўлиб салом берса, Аллоҳ ва расулнинг хузурида унинг даражаси ортироқдир.



Табиат мўъжизаси. Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ҚИЗБРИС ТУРК АМАЛАРИ

Хув-хув дерман, эй Оллоҳ!
Сен уйку бер, эй Оллоҳ
Ўғлим ўсар, иншоллоҳ,
Кўрганлар дер: «Мошоллоҳ»
Алла, болам-а, алла!

Хўппа-хўппа, хўппалак
Бармоқлари ҳамали бувак,
Ухлар энди болам, бешикда-
Ўтирибди аллалаб малак.
Алла, болам-а, алла!
Ухла, болам-а, алла!

Боғчага солдим солинчоқ,
Қўлига бердим ўйинчоқ,
Энди ухлаб қолар болам,
Ухлаб, бўлар катта одам!
Алла, болам-а, алла-ё!

Хуш боқдинг хуш устина,
Чиқ, ўтир кўшк устина!
Не истасанг берайин,
Сен сўйла, бош устина!
Алла, болам-а, алла!

Кўклардаги малаклар
Ҳар недан сени сақлар,
Ухлаб катта бўларсан,
Бизни-да кулдирасан,
Алла, болам-а, алла!

Туркчадан
Тоҳир ҚАҲҲОР таржима қилди

Маълумотларга кўра, алкогольнинг таъсири ва зарари 100 миллион йиллар илгари ҳам маълум бўлган. Алкогол деган сўз эса қадимдан араблардан тарқалган бўлиб, «ал-коҳол» — яъни маст қилувчи маъносига қўлланилган. Орадан миллион йиллар ўтса ҳамки не-не улуг кашфиётлар қилган инсоният бу дардга келганда ожизлик қилиб келмоқда. Алкоголнинг энг ҳалокатли оқибатлари сифатида унинг миёга ва наслга зиёнини кўрсатиш мумкин. У мия хужайраларини

• Бу — қизиқ «АЛ-КОХОЛ»

ўзгартириш хусусиятига эга. Қисқа муддатли кўтаринки кайфият, фақуллода сўзамоллик, хушчақчақлик мия фаолияти бузилгани боисидандир.

Алкоголнинг наслга, фарзандларга, улар ичмаган тақдирда авлоддан-авлодга мерос бўлиб қоладиган қусурлари — хотира сустлиги, ичкиликка мойиллик ақл-идроқли ҳар бир инсонни жиддий ўйлантириши керак.

Жигар, томоқ, қизилўнғач, ошқозон, ичак раки, меъда ва буйрак касалликлари, бепуштлиқ, бавосил ва яна кўпгина дардларнинг бевосита сабабчиси алкогольдир. Ичкиликбозлик қон босимини ўзгартириб инсульт ва инфарктга олиб келиши мумкин. Алкоголнинг руҳий асоратлари ҳаммадан ҳам дахшатли. Алкогол асаб хужайралари — нейронларга емирувчи таъсир кўрсатади. Алкоголни кўп миқдорда ичиш жиддий фалокатлардан илк дарақдир.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
●
Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул қотиб)
Мирфўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Еқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
●
Муҳарририятга келган қўлбазмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақоалалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-048. 12926 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 21.00
1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 11

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Хафтаном».
8.30 «Қалб наволари». Мусикий дастур.
8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиш этади: «Шайхзода».
9.15 «Ҳаҷон спорт».
9.25 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мульттўғлам.
9.35 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
10.05 Кино янгликчлари.
10.20 «Ҳаҷон киноси юдузалари».
10.40 Кундузги сеанс. «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадий фильм.
12.05 Болалар учун. «Санаъат гунчалари».
12.30 — 14.00 Ҳафтасида. «Гул ва Нағрўз». Мўҳимий номидидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўнгиракча».
18.30 «Хунарма». Тележурнал.
18.50 «Олам ва одам».
19.10 «Ташбулак» Ҳариклари».
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Аҳборот».
21.00 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик курсатув.
22.30 «Ҳамоҳанг қалблар». Мусикий дастур.
22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 6-қисм.
22.40 «Илонлар водийсининг касофати». Бадий фильм.
00.15 «Аҳборот».
00.40 — 00.45 Ватан тиссоллари.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Солмак ҳақида сабоқлар».
19.35 «Тасвир—98».
19.55, 21.45 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериял.
20.45 Мусикий лаҳза.
20.50 «ТВ-IV» да немис тўлкини.
21.10 Мусикий лаҳза.
21.15 «Телефакс».
21.25 Хит-коллекция.
21.50 «Кувнок кино».
23.20 — 23.30 Ҳайрли тун!

23.00 Кинонигоҳ.
00.30 — 00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!
17.15 Янгликлар.
Россия жамоат телевидениси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
20.40 «Хўсусийлаштириш: қадам-бақадам».
Россия давлат телевидениси
21.00 — 21.35
21.35 Эълонлар.
21.40 «Юдузлар мангу ёнади».
22.05 «Моҳирлар моҳири...». Бадий фильм.
22.15 «Тентек бўйлаб». Манзарали фильм.
23.55—00.15 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Солмак ҳақида сабоқлар».
19.35 «Тасвир—98».
19.55, 21.45 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериял.
20.45 Мусикий лаҳза.
20.50 «ТВ-IV» да немис тўлкини.
21.10 Мусикий лаҳза.
21.15 «Телефакс».
21.25 Хит-коллекция.
21.50 «Кувнок кино».
23.20 — 23.30 Ҳайрли тун!

ЧОРШАНБА, 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Аҳборот».
8.25 «Ўзлик намён қил». Телетанлов. Экранда — Навоий вилоти.
9.10 «Келажикимиз қорасилими».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 7-қисм.
10.05 «Тоғчи».
10.20 «Муҳаббатим қуйлайман». Мусикий дастур.
10.50 «Талаб ва тақдир».
11.15 «Ракс, ракс, ракс...»
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий курсатув.
12.30 «Чемпион билан учрашув».
12.50 Кундузги сеанс. «Лалварлик очми». Бадий фильм.
14.10 — 14.30 «Мазрифат маскани».
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳайри». Мульттўғлам.
18.20 «Ислоҳот одимлари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Умр йўллари».
19.05 «Озд ва обод юрт».
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 «Талим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Аҳборот».
20.40 «Иқтисодий чорраҳаларида».
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 «Сиеъат оламид».
21.55 «Ватанини севмок иймондан дир».
22.20 «Отмагай тонг». Мусикий дастур.
22.50 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 8-қисм.
23.25 «Аҳборот».
23.50 «Ёшлар» телеканалли
1. «Билим-ринг». Телебаллашув.
2. «Табассум кўчаларида».
3. «Севгим, севгим!».
01.30 — 01.35 Ватан тиссоллари.

17.10—18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Ҳаҷон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар»
20.35 «Мусикий танаффус».
21.00 «Бож-хироқ».
21.15 «Табият шифохонаси».
21.25 «Ҳаёт қарвони».
21.45 «Умр баҳори».
22.05 Киноматограф.
23.25 «Спорт-тайм».
00.05 — 00.15 Ҳайрли тун!

СЕШАНБА, 12

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Аҳборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим». Мусикий дастур.
9.05 «Олам ва одам».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 6-қисм.
10.05 «Табаруқ кадамлар».
10.25 Инглиз тили.
10.55 «Ҳаёт нашалари». Публицистик курсатув.
11.20 Биржа ва банк хабарлари.
11.35 Чанг тароналари.
12.05 Болалар учун. «Мактублар — кабутлар».
12.30 Кундузги сеанс. «Келди-ю, кетди». Бадий фильм.
14.10 — 14.30 «Жараён».
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кувноклар даврасида».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.50 «Рангар жилоси».
19.05 «Хисобини биланлар». Публицистик курсатув.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 «Калк».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Аҳборот».
21.00 «Меҳрибон ота-она». Мусикий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 7-қисм.
22.40 «Уйғок кунлар». Кинокурсатув.
22.55 «Ўзлик намён қил». Телетанлов. Экранда — Навоий вилоти.
23.40 «Аҳборот».
00.05 — 00.10 Ватан тиссоллари.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05, 22.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Мусикий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Азизим».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Хуқук ва бурч».
21.20 «Дурдаршан».
21.50 «Ҳақиқий қайнат».
22.45 Киноматограф.
00.05 — 00.15 Ҳайрли тун!

ЖУМА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Аҳборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим». Мусикий дастур.
9.05 «Олам ва одам».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 6-қисм.
10.05 «Табаруқ кадамлар».
10.25 Инглиз тили.
10.55 «Ҳаёт нашалари». Публицистик курсатув.
11.20 Биржа ва банк хабарлари.
11.35 Чанг тароналари.
12.05 Болалар учун. «Мактублар — кабутлар».
12.30 Кундузги сеанс. «Келди-ю, кетди». Бадий фильм.
14.10 — 14.30 «Жараён».
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кувноклар даврасида».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.50 «Рангар жилоси».
19.05 «Хисобини биланлар». Публицистик курсатув.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 «Калк».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Аҳборот».
21.00 «Меҳрибон ота-она». Мусикий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 7-қисм.
22.40 «Уйғок кунлар». Кинокурсатув.
22.55 «Ўзлик намён қил». Телетанлов. Экранда — Навоий вилоти.
23.40 «Аҳборот».
00.05 — 00.10 Ватан тиссоллари.

ПАЙШАНБА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Аҳборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Эстрада тароналари.
9.10 «Устоз» Телеочроқ.
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 8-қисм.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 «Янги алифбонини ўрганамиз».
11.00 «Мулоқот». Адабий курсатув.
11.20 «Спортчилар сулоласи».



11.40 «Иқтисодий чорраҳаларида».
12.05 «Шарқ таботи».
12.20 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мульттўғлам.
12.30 «Соз сеҳри». Мусикий дастур.
12.50 Кундузги сеанс. «Икки соҳил». Бадий фильм.
14.10 — 14.30 «Оламни асранг».
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табият алифбоси».
18.30 «Тилга эътибор».
18.50 «Ҳарит».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Аҳборот».
21.00 «Туртинчи ҳокимият».
21.25 «Дил номалари». Мусикий дастур.
22.00 «Ойла». Тележурнал.
22.30 «Битик».
22.55 «Аҳборот».
23.20 «Сомон йўли». Мазрифий-дуневий курсатувлар мажмуаси.
00.20 — 00.25 Ватан тиссоллари.

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ҳажми давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериял.
18.50 «Катта танаффус». Телеуйин.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Табият оламида».
20.30 «Аҳборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 «Мусика теграсида».
21.30 «Даракчи».
21.40 «Олис ва яқин Хиндистон».
22.00 «Сир».
22.15 Оханлар ва эълонлар.
22.25 Оилавий экран.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

17.20 Янгликлар.
Россия жамоат телевидениси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
20.40 «Хўсусийлаштириш: қадам-бақадам».
Россия давлат телевидениси
21.00 — 21.35
21.35 Эълонлар.
21.40 «Биз қандай дам оляимиз?». Телекурсатув.
22.00 «Тубанлик». Бадий фильм (Хитой).
22.20 — 23.40 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05 «ТВ-таширф».
19.25 «Минг бир маслаҳат».
19.35 «02» тўлкинида.
19.50 Клип.
19.55, 21.50 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериял.
20.45 «Душим ҳақида».
21.00 «Ракурс». Бадий-публицистик курсатув.
21.30 «Ҳаммаси мода ҳақида».
21.55 «Киносалон».
23.15 — 23.25 Ҳайрли тун!

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Аҳборот».
8.25 «Ўзлик намён қил». Телетанлов. Экранда — Навоий вилоти.
9.10 «Келажикимиз қорасилими».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 7-қисм.
10.05 «Тоғчи».
10.20 «Муҳаббатим қуйлайман». Мусикий дастур.
10.50 «Талаб ва тақдир».
11.15 «Ракс, ракс, ракс...»
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий курсатув.
12.30 «Чемпион билан учрашув».
12.50 Кундузги сеанс. «Лалварлик очми». Бадий фильм.
14.10 — 14.30 «Мазрифат маскани».
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳайри». Мульттўғлам.
18.20 «Ислоҳот одимлари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Умр йўллари».
19.05 «Озд ва обод юрт».
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 «Талим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Аҳборот».
20.40 «Иқтисодий чорраҳаларида».
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 «Сиеъат оламид».
21.55 «Ватанини севмок иймондан дир».
22.20 «Отмагай тонг». Мусикий дастур.
22.50 Алишер Навоий. «Лайли ва Маҳнун». Видеофильм. 8-қисм.
23.25 «Аҳборот».
23.50 «Ёшлар» телеканалли
1. «Билим-ринг». Телебаллашув.
2. «Табассум кўчаларида».
3. «Севгим, севгим!».
01.30 — 01.35 Ватан тиссоллари.

21.00 «Яши дам олинг».
21.15 «Фаришталар газаби». Телесериял.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Тун».
22.35 Оханлар ва эълонлар.
22.45 Саргузашт фильмлар экрани.
23.25 Бокс. Бокс. Бокс.
23.45 Чет эл эстрадаси.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

16.50 Кинофизша.
16.55 Янгликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
Россия жамоат телевидениси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
20.40 «Хўсусийлаштириш: қадам-бақадам».
Россия давлат телевидениси
21.00 — 21.30
21.30 Эълонлар.
21.35 «Таваллуд».
21.45 Оскар совриндорлари: «Табу» (1931 й). Бадий фильм.
23.25—23.45 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Ҳайри».
20.25 «Тўғмишиз келажак йўқ».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Киноматограф.
23.00 Араб эстрадаси.
23.30 — 23.40 «Мунаввар тонг ис-таб...».

18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Муълтомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Ҳайри».
20.25 «Тўғмишиз келажак йўқ».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Киноматограф.
23.00 Араб эстрадаси.
23.30 — 23.40 «Мунаввар тонг ис-таб...».

ШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Аҳборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусика бўстони». Телеальманах.
9.00 Тўлкин. «Қайнар хўма». Я. Охунбоев номидидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
9.55 «Бизни кутар нури манзиллар».
10.35 «Шохрўқ» клуби.
10.55 «Ҳавохирлар бўстони». Адабий курсатув.
11.25 «Ёшлар» телеканалли.
1. «Ораулар қанотида».
2. «Ёшлик баҳори».
3. «Шу Ватанга бордир менинг кера-ти».
12.30 «Телеолан».
12.50 «Зиёрат».
13.00 Кундузги сеанс. «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 1-серия.
14.10 «Маънавият». Публицистик курсатув.
14.40 — 15.25 «Йила. Изла. Топ». Телебаллашув.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Кўзгу». Тележурнал.
18.20 «Мувоозанат». Аҳборот-тахлилий курсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 Ўзбекистон янгликчлари (инглиз тилида).
20.15 «Ҳаҷон спорт».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Ҳамама кўриши шарт... эмас». Мусикий дам олиш дастури.
22.15 «Чирғи ёнқ уй». Телетанлов.
22.45 «Тунги ёнқур». Дам олиш дастури.
23.10 «Мусикий саҳна».
23.30 «Имкон чўққилари».
23.40 Дикчат, премьер. «Мерос». Бадий фильм. 3-серия.
00.25 — 00.30 Ватан тиссоллари.

7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Ҳайри» Бу нима?». Тележурнал.
8.15 Дельмар. «Фаришталар». Ҳамза номидидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
Бош ролларда — Сора Эшонгураева, Наби Раҳимов.
9.20 «Мусика теграсида».
9.35 «Таянч».
9.55 Спорт қитаси.
10.25 «Фидойилар». А. Тарковский. 3-қисм.
10.55 «Лавжай». Телесериял.
11.45 «ТВ ва театр».
12.05 Болалар экрани.
13.30 «Онагинам».
13.50 «Нью-Йорк». Телесериял.
14.40 «Ҳазил соғинч».
15.00 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирли» Телесериял.
15.50 Бокс. Бокс. Бокс.
16.10 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
16.40 Бир жуфт қўшиқ.
16.55 «Санта-Барбара». Телесериял.
17.40 «Ерилош». Мульттўғлам.
18.00 Курсатувлар дастури.
18.15 «Даракчи».
18.15 «Солтанат тили».
18.30 Спорт қитаси.
19.00 «Янги ой чиққан кеча».
19.15 «Қонун химиясида».
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Аҳборот».
20.40 «Ҳайри» қўшиқ қўшиқ пайванд».
21.30 «Энг синчков томошабин соврини учун». Танлов якуллари.
22.10 «Даллас». Телесериял.
22.55 «Даракчи».
23.05 Оханлар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ.
00.50 — 00.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Ҳайри» Бу нима?». Тележурнал.
8.15 Дельмар. «Фаришталар». Ҳамза номидидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
Бош ролларда — Сора Эшонгураева, Наби Раҳимов.
9.20 «Мусика теграсида».
9.35 «Таянч».
9.55 Спорт қитаси.
10.25 «Фидойилар». А. Тарковский. 3-қисм.
10.55 «Лавжай». Телесериял.
11.45 «ТВ ва театр».
12.05 Болалар экрани.
13.30 «Онагинам».
13.50 «Нью-Йорк». Телесериял.
14.40 «Ҳазил соғинч».
15.00 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирли» Телесериял.
15.50 Бокс. Бокс. Бокс.
16.10 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
16.40 Бир жуфт қўшиқ.
16.55 «Санта-Барбара». Телесериял.
17.40 «Ерилош». Мульттўғлам.
18.00 Курсатувлар дастури.
18.15 «Даракчи».
18.15 «Солтанат тили».
18.30 Спорт қитаси.
19.00 «Янги ой чиққан кеча».
19.15 «Қонун химиясида».
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Аҳборот».
20.40 «Ҳайри» қўшиқ қўшиқ пайванд».
21.30 «Энг синчков томошабин соврини учун». Танлов якуллари.
22.10 «Даллас». Телесериял.
22.55 «Даракчи».
23.05 Оханлар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ.
00.50 — 00.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.20 «Дашу далаларда». Публицистик курсатув.
Россия жамоат телевидениси
16.50 — 23.40
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.55 «Тошкент — эски шаҳар». Телефильм.

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.25 Эълонлар.
16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.20 «Дашу далаларда». Публицистик курсатув.
Россия жамоат телевидениси
16.50 — 23.40
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.55 «Тошкент — эски шаҳар». Телефильм.

10.30 «Шанба эртаги».
11.40 — 12.10 «Кросс-Роудс» кафе-сига хуш келибсиз!».
(«Америккага бир назар» курсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
18.50 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Ракслар қанотида».
19.55, 21.50 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериял.
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 «Осиё мухтори».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 Киносалон.
23.25 «Спорт-марказ».
00.05 — 00.15 Ҳайрли тун!

ЯКШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Аҳборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлар» телеканалли.
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Сочининг савдоси тушди».
3. «Эстрада ва ёшлар».
4. «Муҳаббат дарси».
12.30 «Махаллаимиз болалари». Телемузоабба.
13.15 «Санаъат олами».
13.35 «Ҳамама кўриши шарт... эмас».
Мусикий дам олиш дастури.
14.20 — 15.30 «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 2-серия.
16.55 Курсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпио-нати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Дўстлик» (Тошкент вилоти). Танаффус пайванд «Муълтомоша».
18.50 «Омад юдузи». Телевизион уйин.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
20.30 «Хафтаном».
21.05 «Якшанба оқшомид».
Дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниматорлар театри.
22.25 Спорт дастури:
1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Ҳаҷон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар»
20.35 «Мусикий танаффус».
21.00 «Бож-хироқ».
21.15 «Табият шифохонаси».
21.25 «Ҳаёт қарвони».
21.45 «Умр баҳори».
22.05 Киноматограф.
23.25 «Спорт-тайм».
00.05 — 00.15 Ҳайрли тун!

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Ҳаҷон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар»
20.35 «Мусикий танаффус».
21.00 «Бож-хироқ».
21.15 «Табият шифохонаси».
21.25 «Ҳаёт қарвони».
21.45 «Умр баҳори».
22.05 Киноматограф.
23.25 «Спорт-тайм».
00.05 — 00.15 Ҳайрли тун!

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Ҳаҷон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар»
20.35 «Мусикий танаффус».
21.00 «Бож-хироқ».
21.15 «Табият шифохонаси».
21.25 «Ҳаёт қарвони».
21.45 «Умр баҳори».
22.05 Киноматограф.
23.25 «Спорт-тайм».
00.05 — 00.15 Ҳайрли тун!

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Муълтомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар
19.10 «Морена Клара». Телесериял.
19.55 «Ҳаҷон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар»
20.35 «Мусикий танаффус».
21.00 «Бож-хироқ».
21.15 «Табият шифохонаси».
21.25 «Ҳаёт қарвони».
21.45 «Умр баҳори».
22.05 Киноматограф.
23.25 «Спорт-тайм».<